2013 йил 18 февраль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (12.345)

Баҳоси эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшлар — келажагимиз

## ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШМОҚДА

***Жорий йилнинг январь ойида Италиянинг Венеция шаҳрида ўтказилган халқаро мусиқий кўрик-танловнинг Флейта чолғу асбоби номинациясида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг 8-синф ўқувчиси Нилуфар Атаназарова ғолиб бўлиб қайтди.***

Мазкур ўқув муассасасида бугунги кунда 967 нафар ўқувчилар таълим олмоқда. Лицейда умумий таълим, дамли ва зарбли чолғулар, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида дарслар мутахассис ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган ишлар, таълим тизимидаги ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори Зулфиқор Холмирзаев биз билан суҳбатда. — Мамлакатимиз ёшлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар замирида уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, ёрқин истиқболли келажаги, машъала сингари бўй кўрсатиб турибди. Шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз устозлари ёрдамида дунё мамлакатлари нигоҳида кўрик-танлов ва халқаро анжуманларда ўзларининг иқтидорларини намоён этмоқдалар. Зеро, бугунги кун ёшлари эртанги нурафшон кунимизнинг мустаҳкам пойдеворларидир. Биз шундай истеъдодли, изланувчан фарзандларимизнинг қобилиятларини янада шакллантириб, ўз соҳаларига бўлган қизиқишларини орттириб бораётганимиздан мамнунмиз.

*(Давоми 3-бетда)*

***Ўзбекистон ўзининг тарихий обидалари, бетакрор маданияти, анъана ва қадриятлари, гўзал табиати билан турли мамлакатлардан ташриф буюраётган сайёҳларни тобора кенгроқ мафтун этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

– Ўзбекистонда бундан ўн бир йил аввал ҳам меҳмон бўлган эдим. Бу галги сафарим чоғида пойтахтингизни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўриб лол қолдим, – дейди **франциялик Вивант Гарро**. – Жорий йилнинг Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда Обод турмуш йили, деб эълон қилингани ҳам мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ва хайрли ишлардан яна бир далолатдир. Умуман, мамлакатингизда ҳар бир йилни муайян ном билан атаб, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ишларга ҳавас қилса арзийди. Давлатингиз раҳбари юритаётган бундай оқилона сиёсат ўзининг юксак самараларини бераётганини юртингизнинг бугунги қиёфаси, одамларингизнинг ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

– Тарихчиман. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида хизмат сафари юзасидан бўламан, – дейди **сингапурлик Али Бин Исо**. – Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ташрифимнинг илк кунидаёқ Тошкентнинг гўзал, обод ва замонавий шаҳар эканлигига гувоҳ бўлдим. Бу ердаги кенг ва озода кўчалар, ширинсухан инсонлар кўнглимдан чуқур жой олди. Замонавий ва барча қулайликларга эга бозор ва савдо марказлари ривожланган давлатларникидан асло қолишмайди. Бундай янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳиятининг намоёнидир.

Сингапурда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш катта. Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистон – сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларингиз, неча асрлардан буён ўз жилосини йўқотмай келаётган меъморий обидаларингиз, меҳмоннавоз халқингизнинг таърифи тилларда достон, – деб таъкидлайди **италиялик Аристофан Губерти**. – Мамлакатингизда истиқлол йилларида халқаро ва ички туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътибор диққатга сазовор. Ўзбекистонда куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъи назар одамларнинг хотиржам сайр қилиб юрганини кўриш жуда қувонарлидир. Ҳамма мамлакатда ҳам одамлар ўзини бундай эркин ва хотиржам ҳис қилмайди. Шу боис сайёҳлар Ўзбекистонга келишни хуш кўради.

*(Давоми 2-бетда)*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ҳамон хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларининг диққат марказида турибди.***

## ҲИНДИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

**Ҳиндистонда чоп этиладиган «Political Events» журналининг сиёсий шарҳловчиси Мохан Кришен Дхар** ўзининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда ўтган йили эришилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари мамлакат раҳбарининг маърузасида батафсил ёритилгани баробарида 2013 йили мамлакат олдида турган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўллари аниқ-равшан белгилаб берилган. Унинг сўзларига қараганда, «Обод турмуш йили» доирасида ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётини таъминлаш, республикамизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада юксалтириш, минтақамиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ўзбек халқининг манфаатларига тўла жавоб беради.

– Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда, мамлакат фуқароларининг ҳаёт тарзи ҳам тобора юксалиб бораётир. Ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатда ўсиши, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги изчил ислоҳотлар, чет эл сармоялари ҳажмининг ортиши ва кенг кўламли инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик давлатга айланиб бораётганидан далолат беради, – деди эксперт.

**Жавоҳарлаъл Неру номли университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг профессори Кумар Пандей** 2012 йили мамлакатимизда эришилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар тўғрисида сўзлар экан, Ўзбекистон салмоқли иқтисодий салоҳият ва тараққий топган инфратузилмага эга эканлигини эътироф этди. «Ўтган йили республикада соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича изчил ислоҳотлар давом эттирилди. Давлат харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилиб, ушбу маблағларнинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14 фоиздан ошиқ қисми соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилгани алоҳида эътиборга молик», дея таъкидлади К. Пандей.

Унинг фикрича, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта-махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлат томонидан таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибордан далолат беради.

– Олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда, – деди **Ҳиндистон Халқаро тадқиқотлар марказининг Ўрта Осиё ва Россияни ўрганиш дастури профессори Пул Бадан.**

Ҳиндистон илм-фан ҳамжамиятининг вакили сифатида Пул Бадан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини юқори баҳолашини маълум қилди.

«Ўзбекистонда умум қабул қилинган халқаро талаблар ва мезонларга мувофиқ равишда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Ривожланган мамлакатлардаги каби, республикада ҳам етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилиб, улар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш марказларига айланади», дея ўз фикрини якунлади профессор.

**«Жаҳон» АА**
**Деҳли**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Жаркўрғон туманида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ўттиз ўринли ушбу янги бинода жарроҳлик, реанимация ва қон таҳлили бўлимлари мавжуд.**

**● Термиз шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмалари ходимлари малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Семинар машғулотларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими, шаҳар, туман бўлинмалари раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.**

**● Навоий шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банк ва бошқа молия институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш масалаларига бағишланган иқтисодий-ҳуқуқий ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

**● Жондор туманидаги Далмун қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида давлат бюджети ҳисобидан ажратилган 839 миллион сўм маблағ эвазига янги «Далмун» сув иншооти ва умумий узунлиги салкам 3 километрга тенг сув қувури қурилиб, ишга туширилди.**

**● Деҳқонларнинг энг яқин мададкори – техникаларни таъмирлаш, уларни баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш ишларига жойларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амударё туманида соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган кўргазмали семинар-тренинг ҳам шу масалага бағишланди. Унда Тўрткўл, Амударё, Беруний ва Элликқалъа туманларининг машина-трактор парклари муҳандис-техник ходимлари, етакчи мутахассислари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Францияда жаҳондаги энг тезкор алоқа линияси фойдаланишга топширилди. Янги телекоммуникация тизими орқали эндиликда Франциядаги хонадонларда Интернет тармоғидан тўрт баравар тез ва барқарор равишда фойдаланиш имконияти юзага келди. Оптик толали линиянинг узунлиги 450 километрни ташкил этиб, у Париж ва Лион шаҳарларини ўзаро боғлайди. Янги технология ахборотни сониясига 400 гигабайт тезликда узатади ва бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичдир.**

**● Бельгия почтаси шоколад ҳиди ва таъмига эга почта маркаларини чиқаради. Яъни, март ойининг охирларида беш хил турдаги шундай маркалар чоп этилади. Бунда марканинг қоғози инсон танасининг ҳароратига ўз таъсирини билдиради: агарда бирор бир киши маркани ушласа ёки унинг атрофида нафас олса, маркада шоколад ҳиди ва таъми пайдо бўлади. Ҳар бир «шоколад» маркасининг нархи олти евро атрофида бўлади.**

**● Салоники шаҳрида метро қурилиши жараёнида грециялик археологлар бундан 2,3 минг йил аввал ясалган олтин гулчамбар топишди. Ушбу ноёб топилма Македон даврига оид бўлган қабрдан топилган.**

**● АҚШнинг Марсда ҳаракат қилишга ихтисослаштирилган «Кьюриосити» аппарати Қизил сайёранинг қаттиқ қатлами грунтидан синов намуналарини олди. Бунинг учун аппаратга ўрнатилган бурғулаш қурилмаси ёрдамида Гейл кратеридаги ясси плитадан чуқурлиги 6,4 сантиметр ва эни 1,6 сантиметр бўлган жойни қазишга тўғри келди. Ушбу синов намуналарининг бўлғуси таҳлили натижасида Марсда илгари сув бўлганлиги хусусидаги янги далилларга эга бўлиш мумкин. Айтиш керакки, «Кьюриосити» Марс сайёрасига 2012 йилнинг 6 августида 687 кун давомида Гейл кратери тубини тадқиқ қилиш учун учирилган.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Чет тилларни ўрганиш методикаси» деб номланган тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбати «Хонанда, шоир ва бастакор ҳамкорлиги» мавзуига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** миллий матбуот марказида Ёш ижодкорлар кўрик-танлови ғолиби журналист, шоира Шамсия Худойназарованинг «Маҳбуб куйлар» номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманида жойлашган 161-умумтаълим мактабида «Соғлом турмуш тарзи» номли спорт мусобақаси бўлиб ўтади.

***Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида ёлғиз яшовчи Муҳтарам ая Турдиева хасталаниб қолди. Маҳалла аҳли онахонни шифокор кўригидан ўтказди, дардидан фориғ бўлишига кўмаклашди. Маҳалладошлар ёрдамида онахоннинг уйи таъмирдан чиқарилди.***

**2013 йил – Обод турмуш йили**

# АҲИЛЛИКДАН ОБОД БЎЛАЁТГАН МАҲАЛЛА

Бу ҳамжиҳат маҳалланинг номи – «Аҳил». Номи ўзига, одамларига ярашган маскан. Меҳр-оқибат, озодалик ва саранжом-саришталик, ҳунармандлик ва тадбиркорликдан обод бўлаётган маҳалла.

– Маҳалламизда йигирмага яқин миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилади, – дейди «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухолиқ Ваҳобов. – Ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ёшларнинг билиб-билмай жиноят йўлига кириши ва оилавий ажримларнинг олдини олишда, маҳалламизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 9 июлдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу ишларни замон талабига мос тарзда йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Маҳаллада йигирмага яқин хусусий тадбиркорлик корхонаси, цех, савдо шохобчалари, новвойхона фаолият кўрсатмоқда. «Биллур-Тош» кафель ишлаб чиқариш корхонаси, тикув цехи, машина таъмирлаш устахонаси, «Моҳира-Барака» тижорат корхонасида асосан маҳалла ёшлари меҳнат қилаётир. Маҳалла ҳудудидаги корхоналар, саховатпеша тадбиркорлар эҳтиёжманд кишиларга ёрдам кўрсатиш, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлмоқда. Кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож қарияларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари тарқатилди. Коммунал тўловлардан қарздорликларини тугатишга кўмаклашилди.

Ён-атрофни тоза ва саранжом тутиш, табиий газ, муҳандислик-коммуникация, электр энергияси тизимларини хавфсиз ҳолатда сақлаш ҳам доимий эътиборда. Ҳашар йўли билан янги гузар барпо этилди. Маҳалла ҳудудидаги кўчалар текисланиб, асфальт ётқизилди. 182-мактабгача таълим маскани қайта таъмирланди.

– Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу йўналишдаги ишлар ҳажми янада кенгаймоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Айимжон Давлетова. – Ҳафтанинг шанба ва якшанбаси ўтказиладиган «Озодалик кунлари» тадбирларига маҳалла аҳли, ёшлар кенг жалб этилмоқда. Яқин кунларда ариқларни тозалаш, оқава сув йўлларини янгидан қуриш ишлари бошлаб юборилади. Йўл бўйларига қўшимча гул кўчатлари, арчалар экилади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Бахтиёр ака Асадов ўз иссиқхонасида лимон ва гул кўчатлари етиштиради. Ёғоч ўймакори Оллоберган Қаландаров, қандолатчи Зуҳра Ёқубовадан ҳунар сирларини ўрганаётган ёшлар кўп. Улар яқинлашиб келаётган Наврўз байрамини нишонлашга, маҳалладошларига турли ноз-неъматлар ва совғалар тортиқ этишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Маҳалла нуронийлари, ибратли оилалар вакиллари, ўқитувчилар, шифокор ва ҳуқуқшунослардан иборат «Ота-оналар университети» жамоат тузилмаси ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга хизмат қилмоқда. «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида ёшларнинг орзу-истакларини пухта ўрганиб, касбга йўналтиришда, «Ораста қизлар» тўгараги машғулотлари қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда фойдали бўлмоқда.

– Ҳаёт бор экан, унда ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларнинг бўлиши ҳам табиий, – дейди А.Ваҳобов. – Қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ортиқча исрофгарчиликлар фаровон ҳаётимизга доғ тушираётган қусурлардир. Маҳалланинг таъсир кучи ва кўпчиликнинг иштироки билан бундай иллатларни бартараф этиш мумкин.

«Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини 2010, 2011 йилларда Маҳалла куни муносабати билан ўтказилаётган кўрик-танловларда, 2012 йилда эса «Энг намунали фуқароларниг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида совринли ўринларни олди. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан халқимиз турмуш фаровонлиги, маҳаллалар ободлигини таъминлаш, ёшларни комил инсонлар этиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейида истеъфодаги майор Ғайбулло Алиевнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.***



Кўргазмага ташриф буюрган санъат олами вакиллари ва томошабинларни ўзига тортган ва ҳайратлантирган нарса шу эдики, 80 ёшни қоралаган Ғайбулло отанинг фаолият кўрсатган соҳаси санъатдан анча узоқ — тиббиёт бўлишига қарамай, у санъатга бўлган меҳр-муҳаббатнинг юқори даражада эканлиги ва махсус таълим олмаган ҳар қандай ҳаваскор эркин ижод қила олиши, санъатга ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиши мумкинлигини исботлади.

Шунингдек, кўп йиллар давомида гоҳ машаққатли, гоҳида синовли, кутилмаган натижаларга тўла ҳарбий соҳада хизмат қилганига қарамай Ғайбулло ота она замин ҳудудларини, ажойиб табиат манзараларини тасвирлаш орқали ватанга бўлган садоқати, жўш уриб турган меҳр-муҳаббатини ифода этган.

Ҳар бир ижодкор ўз йўналишига эга бўлгани каби Ғ. Алиев ҳам айнан тасвирий санъат соҳаси бўйича ўз услубига эга эркин ижодкорлардан саналади.

Ҳаваскор рассом ўзининг мўъжазгина асарларини нафақат махсус мато дастгоҳларда ифода этади, балки бизга қадрсиздек туюлган буюмлар — ёғоч бўлаклари, тошлар ва шунга ўхшаш буюм юзаларига ишлайди. Ижодкорнинг ички оламидан сўз очувчи кичик ҳажмдаги мўъжаз полотнолардаги рангтасвирларда асосан манзара жанрида ижод қилган Ғ. Алиевнинг юртимизнинг сўлим гўшалари, шунингдек, Россия, Германия, Қозоғистон, Тожикистон ўлкаларидаги сафарлари жараёнида турли-туман давлатларнинг ўзига хос табиатини ранг бўёқлари орқали тасвирланганини кўрамиз.

Юртимиз, миллатимизга хос бўлган анъанавий маиший турмушдан лавҳалар орқали рассом ўзбек халқи бой маданиятини акс эттирган. Кўргазма олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги ҳарбий билим юрти курсантлари, Тошкент ва Чирчиқдаги ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари иштирокида тайёрланди.

**Фотима МАМАЖОНОВА,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси**

***Ўзбекистон Республикасида рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, ноозиқ-овқат товарларни ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади.***

**Қарор ва ижро**

# ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Бу борада асосан қишлоқ жойларда замонавий унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш, шу асосида янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»-ги Қарори катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлаш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш борасида ҳукуматимиз томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ушбу вазифаларни бажаришда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Мазкур қарор асосида тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналарга 2014 йилнинг 1 январигача фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёз берилган. Қарорда белгилаб қўйилганидек, солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағларнинг янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан, кредитларни тўлашга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Бектемир туманида ҳам юқоридаги қарор асосида имтиёздан оқилона фойдаланиб юқори марраларга эришаётган ва юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган МЧЖ шаклидаги «IBRAHIM RUSTU USLU» қўшма корхонаси, «PROGRESS RSF» МЧЖ каби ишлаб чиқарувчи корхоналар кўплаб топилади.

**Азиз ЭШҚУВВАТОВ,**
**Бектемир туман ДСИ бўлим бошлиғи**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қиш фасли бўлишига қарамасдан, юртингизда баҳор нафаси ҳукмрон. Баҳорда мамлакатингизда Наврўз байрами катта тантана билан нишонланади. Ўтган йилги ташрифим чоғида ушбу айёмга бағишланган байрам тадбирларида қатнашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Бу сафар ҳам ана шундай имкониятга эга бўлаётганимдан мамнунман.

– Мексикадаги сайёҳлик компаниясида гид лавозимида ишлайман. Хизмат билан халқаро сайёҳлик ярмаркаларида мунтазам иштирок этаман, – дейди **мексикалик Хени Торрес**. – Ўзбекистонда бир неча марта меҳмон бўлганман. Мамлакатингизда сайёҳларни ўзига жалб этувчи омиллар кўп. Ноёб тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар шулар жумласидандир. Шу боис Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозоридаги нуфузи тобора ошмоқда. Нафақат пойтахт Тошкентда, балки мамлакатингизнинг барча ҳудудларида сайёҳлик жадал ривожланаётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун қулайликлар яратилаётгани диққатга сазовор.

**Мадина УМАРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан «Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият» мавзуида икки кунлик республика илмий-амалий семинари ўтказилди.***

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк кунларидан танланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини изчиллик ва қатъият билан давом эттирмоқда. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг олий қадриятларидир. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 асосий ҳужжатларга қўшилган, БМТ томонидан қабул қилинган 6 асосий халқаро шартномалар аъзосидир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тамойиллар инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояси кафолатланган Конституциямиз ва амалдаги миллий қонунчилигимиз нормаларида ўзининг чуқур ифодасини топган. Бу ҳақда тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи И.Турғунов, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар сўз юритди.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги ва назоратини таъминловчи миллий институтларнинг ўрни ва аҳамияти қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш орқали давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мутасадди шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти давлатимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича халқаро мажбуриятларини амалга ошириш бўйича фаолиятининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг турли вазирлик ва идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмалар ташкил этилган. Масалан, ички ишлар идораларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2008 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилган. Бу мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг амалий натижаларидан бири бўлди. Ички ишлар вазирлиги тизимида мазкур бошқарма бўлим ва бўлинмаларининг ташкил этилиши фуқаролар мурожаатларини қонунчиликда белгиланган муддатда тезкор ва самарали кўриб чиқишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонунийликни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш механизмларини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ходимларнинг қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ишларнинг олиб борилиши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг турли йўналишлар бўйича кадрлар тайёрловчи Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти учун ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Семинарда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, ўқув юртида Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказини ташкил этиш белгиланди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**



# КЎРГАЗМА-ТАНЛОВДА – ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

***Янги йил арафасида матбуотда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2004-2011 йилларда ишга туширилган болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун жами 77 номда спорт анжомлари ва ускуналарини етказиб бериш бўйича очиқ тендер савдолари эълон қилинган эди.***

Тендер савдоларининг дастлабки босқичидан ўтган мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган компания ва фирмаларнинг олиб келган спорт анжомлари ва ускуналари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданият ва кўргазма залида уюштирилаётган тендер кўргазма-танловига қўйилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Болалар спорт иншоотларини ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш бўлими бошлиғи Баҳодир Ҳайдарбеков биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди. Ўтказилаётган танлов асосидаги тендер савдоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 февралдаги қарори ижроси юзасидан амалга оширилмоқда. Танловда спорт анжомлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фирма ҳамда ташкилотлар қатнашмоқда. Уларнинг маҳсулотларни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилишаётгани эътиборга лойиқ. Танловда «Stekloplastik» МЧЖ (Самарқанд вилояти), «Уз-Тонг Хонг Ко» қўшма корхонаси, «Хўжаобод» МЧЖ (Андижон вилояти), «Машхим» МЧЖ (Наманган вилояти), ХК «Катрис» (Тошкент шаҳри) каби компания ҳамда фирмалар ўзларининг маҳсулотларини тавсия этишмоқда. Танлов очиқ бўлиб уларда харидорлар ўз таклифларини киритишлари мумкин. Танлов шу ойнинг охиригача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

***Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Марказий Осиёда энг катта йирик маърифий марказ ҳисобланади. Музей экспозицияси қадимги даврдан ҳозирги кунларгача бўлган Ватанимиз тарихини акс эттиради.***

## БЕБАҲО МЕРОС ЁШЛАР НИГОҲИДА

Тарихан бой манбаларни ўрганиш учун ўқувчи-ёшлар ҳам тез-тез музейга ташриф буюрадилар.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган мавзуда уюштирилган танловда ҳам толиби илмлар фаол иштирок этдилар.

Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи ўқувчилари музейга энг кўп ташриф буюрган деб топилди. Совриндор ёшлар жамоаси Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллик юбилейига бағишланган кўргазмали материаллар тўплами билан тақдирланди. Фахрли иккинчи ўрин Тошкент авиация касб-ҳунар коллежига берилди. Боровский номидаги Тошкент тиббиёт касб-ҳунар коллежи эса учинчи совринли ўринни қўлга киритди.

Музей Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги билан ҳам яқин алоқа боғлади.

## САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

***Қадимда инсоннинг овқатланишига қараб унинг қадр-қиммати, кучлилиги баҳоланган. Шунга қараб бутун бир фалсафий тизим ишлаб чиқилган.***

Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ҳам бу йўналишда турли-туман тадбирлар ўтказиб турилади. Жумладан, яқинда ўтказилган «Саломатлик сирлари» деб номланган илмий-амалий анжуман ҳам овқатланиш маданиятига бағишланди. Унда «Парҳез таомларнинг шифобахш хусусиятлари», «Жарроҳлик операциясидан сўнгги парҳезлар», «Онкология касалликларида парҳез таомлар», «Қандли диабетда овқатланиш тартиби»га доир маърузалар тингланди.

Шунингдек, олий ўқув юртининг учинчи клиникаси жамоасига «Энг кўркам парҳез дастурхони» номинациялари бўйича совғалар топширилди.

Ўқув стендлар номинацияси бўйича даволаш факультети кафедралари томонидан тайёрланган «Ревматоид касалликларда парҳез таомлар» маърузаси ҳам яхши баҳоланди.

Бундан ташқари, «Саломатлик сирлари» викторинаси ҳам ташкил этилди. Унда ғолиб деб топилган талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

## ГИДРОЭКОЛОГИК ХАРИТА

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг сув муаммолари институти олимлари изланишлари натижаси самарали бўлмоқда. Тавсия қилинган лойиҳалардан, қурилиш, сув хўжалиги ташкилотларининг фойдаланишаётгани институт олимларига илҳом бағишламоқда.***

Томчилатиб суғориш технологияси ҳам деҳқончиликда қўл келмоқда. Тўрт турдаги қобиқловчи полькомплекслар синтез қилиниб, уни амалиётда қўллаш технологияси таклиф қилингач, ушбу янгилик Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг 40 гектарлик тажриба даласида қўллаб кўрилди. Натижада тупроқдаги қатқалоқ бартараф этилиб, пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга оширилди.

Яратилган гидроэкологик харита олимларнинг кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларидан бири бўлди.

Ганновер шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада бу харита юқори баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур

Кўнглида ёмонлиги бўлмаган киши ёмонни ўзига яқин тутмайди.

* * *

Қайсарлиги кишининг ўзига қимматга тушади.

* * *

Ким замондан орқада қолади, ким эса баравар қадам ташлайди.

* * *

Ҳаракат кишини мақсадга яқинлаштиради.

* * *

Шубҳа одамни емиради.

* * *

Тақдир ҳам кимга иноят қилади, кимга хиёнат.

* * *

Ортиқча истаган боридан ҳам айрилади.

* * *

Тўйнинг бўлади бўладиси, меҳмоннинг келади келадиси қизиқ.

* * *

Ҳар бир қисматнинг ўзига яраша юки бор.

* * *

Ҳисоб-китобсиз одам узоққа бормайди.

* * *

Дард мардни енголмайди.

* * *

Одамнинг соддаси кўрганига эмас, эшитганига ишонади.

* * *

Нафрат жой олган кўнгилда муҳаббатга жой қолмайди.

* * *

Бир сўз билан қолган кўнгилни минг мақтов билан олиб бўлмайди.

* * *

Атрофингдаги одамлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

* * *

Асосли таҳлиллар ҳақиқатга олиб боради.

* * *

Фикри бор кишининг жим туриши қийин.

* * *

Ёмондан яхшини ажратолмаган одам ҳар қадамда панд ейди.

(Давоми бор)

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Спорт янгиликлари

## КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

***Кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг бир қанча янги турлари ривожланмоқда. Аёллар бокси ҳам шулар жумласидандир. Ушбу спорт тури бўйича ўтказилаётган турли-туман мусобақаларда кўплаб ёш иқтидорли чарм қўлқоп усталарининг маҳоратлари ошиб бораётгани қувонарли ҳолдир.***



Яқинда Бекобод шаҳрида аёллар бокси бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам фикримизга далил бўла олади. Ушбу турнирда 49 килограммдан 75 килограммгача бўлган вазн тоифаларида спортчилар ўзаро баҳс юритишди. Унда айниқса энг енгил вазнда ғалаба нашидасини сурган истеъдодли спортчи, Юнусобод туманидаги 122-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Муборак Камолованинг маҳорати кўпчилик мутахассисларнинг эътиборига тушди. Таъкидлаш жоизки, ёш чемпион бокс билан «Локомотив» спорт клубида атиги бир йилдан буён шуғулланаётган бўлсада, бироқ кўрсатаётган натижалари турнирдан турнирга яхшиланиб бормоқда. Бунда албатта унинг устози — халқаро мусобақалар ғолиби ва совриндори Алишер Рисқиевнинг хизматлари катта.

**Даврон НУРМАТОВ**

**СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони Муборак Камолова устози Алишер Рисқиевдан бокс сирларини ўрганмоқда.**

**Алексей Попов олган сурат**

***Америкалик олимлар Стивен Прэтт ва Кэти Мэттюс «Ҳаётни ўзгартирувчи «супер» маҳсулотлар» китобида энг фойдали маҳсулотлар рўйхатини келтиришган. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу маҳсулотлар кучли антиоксидант бўлиб юрак-томир тизимини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, улар барча органларга ижобий таъсир қилади.***

Биласизми?

## УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

**Балиқ**

Қон босимини, холестеринни пасайтиради, кўз нурини мустаҳкамлайди. Ҳафтада 2-4 марта, 150-200 граммдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

**Ёнғоқ**

Мия фаолияти унумдорлигини оширади, тери қаришининг олдини олади, томирларни мустаҳкамлайди. Кунлик меъёр 30 грамм.

**Помидор**

Терининг ультрабинафша нурларига чидамлилигини оширади, иммунитетни мустаҳкамлайди, кўриш қобилиятини яхшилайди. Ҳафтада помидор истеъмоли тўрт донадан кам бўлмаслиги керак.

**Ошқовоқ**

Кўз нурини ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Ҳафтада 5-7 марта 10 граммдан истеъмол қилиш керак.

**Сут маҳсулотлари (қатиқ, творог, сметана)**

Суякларни мустаҳкамлайди, қон босимини меъёрида ушлайди. Иммунитетни оширади. Кунига 250-500 грамм тавсия этилади.

**Донли маҳсулотлар**

Қанд миқдорини меъёрлаштиради. Озишга ёрдам беради. Ҳар куни 300-500 граммдан турли хил бўтқалар, қора нон шаклида истеъмол қилиш лозим.

**Дуккаклилар (ловия, нўхат, мош)**

Қон босимини меъёрида ушлайди, қондаги холестерин ва қанд миқдорини мўътадиллаштиради. Ҳафтада тўрт марта 100 граммдан истеъмол қилиш фойда беради.

***Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон чемпионати бошланишидан аввал етакчи жамоаларимиз «Пахтакор» ва «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсларида омадларини синаб кўришади.***

## ЕТАКЧИ ЖАМОАЛАРИМИЗ СИНОВГА ТАЙЁРМИ?

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ баҳслари 26-27 февраль кунлари старт олади.

Ушбу мусобақанинг «В» гуруҳидан ўрин олган «Пахтакор» жамоаси биринчи турни ўз майдонида 26 февраль куни Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» клубига қарши ўтказса, «Бунёдкор» командаси сафарда 27 февраль куни «Санфречче Хиросима» (Япония) жамоаси меҳмони бўлади. «G» гуруҳи вакили ҳисобланган «Бунёдкор» ғолиб бўлиш учун Жанубий Кореянинг «Похан Стилерз» ҳамда Хитойнинг «Пекин Гоа» клубларини енгиши талаб этилади.

Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» эса ўз гуруҳида Қатарнинг «Лавҳия» ҳамда БААнинг «Ал-Шабоб» жамоалари қаршилигини енгиши лозим.

## ИККИ ОЧКО ҚЎШИЛДИ

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

6 февралда старт олган Осиё чемпионатига саралаш турнири гуруҳ баҳсида Ўзбекистон миллий терма жамоаси гарчи Гонконг терма жамоаси билан 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган бўлсада, рейтингда 56-поғонага лойиқ деб топилди ва икки очко қўшилгани ҳолда 557 очкога эга бўлди.

Эътиборлиси шундаки, Осиё чемпионатига саралаш турнирининг биринчи турида Эрон терма жамоаси Ливан терма жамоасини 5:0 ҳисобида мағлуб этганига қарамай янги рейтингда барибир қитъамизда Ўзбекистондан кейин бешинчи ўринни эгаллади.

Рейтинг натижаларига кўра Осиёда етакчилик Жанубий Корея терма жамоасига ўтган бўлса, ундан кейинги ўринларни Япония, Австралия, Ўзбекистон, Эрон терма жамоалари эгаллаб туришибди.

МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Рейтинг рўйхатида ҳамон Испания терма жамоаси карвонбошилик қилмоқда.

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё клубларининг янги рейтинг натижаларини эълон қилди.***

Унда халқаро мусобақалар ва чемпионатларда иштирок этган мингта жамоанинг натижалари қайд этилди.

Ушбу рейтингдан мамлакатимизнинг олтита — «Пахтакор», «Бунёдкор», «Нефтчи», «Насаф», «Машъал» ва «Навбаҳор» клублари ҳам ўрин олди. Янги рейтингда мамлакатимиз клублари орасида «Пахтакор» энг юқори поғонада қайд этилган бўлса, ундан кейинги ўринларда «Бунёдкор», «Насаф», «Нефтчи» ва «Машъал» боришмоқда.

Рейтинг рўйхатида ҳамон Испаниянинг «Барселона» клуби карвонбошилик қилаётган бўлса, ундан кейинги ўринларда Англиянинг «Манчестр Юнайтед» ва «Челси» жамоалари боришмоқда.

## ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ДУБАЙДА

***Ўтган йили футбол бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида ғолиб чиқиб қитъа чемпионлигига сазовор бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш мақсадида БААнинг Дубай шаҳрига жўнаб кетди.***

Ўн етти ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган ўсмирлар терма жамоамиз Дилшод Нуралиев бош мураббийлигида кунига икки маҳалдан ташкил этиладиган ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишади. Ўсмирлар терма жамоамиз мураббийлари шогирдларининг жисмоний ва руҳий ҳолатларини яна бир карра назардан ўтказиш мақсадида машғулотлар доирасида иккита ўртоқлик учрашуви уюштиришни ҳам режалаштиришган. Ушбу беллашувларнинг иккитаси БАА ўсмирлар терма жамоасига қарши ташкил этилади.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз. Ушбу йиғин жорий йилнинг октябрида БААда ўсмирлар ўртасида ташкиллаштириладиган жаҳон чемпионатида қатнашадиган терма жамоамиз учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечга бориб ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илиқ, кундузи — 11-13 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 февралда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13549 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5